ZAMONAVIY HUQUQSHUNOSLIKNING AKTUAL MUAMMOLARI

XXIII-RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

YAKUNLARI BO'YICHA ILMIY ISHLAR TO'PLAMI

Issue - 9(2026) Available at www.uznauka.uz

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сафаев Мансур Илхомжонович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

Электрон почта: ilmiyizlanuvchi@gmail.com

Аннотация. *Мазкур мақолада жиноят процессида прокурор фаолиятининг холислиги, бетарафлиги ва адолатлилигини таъминлашга доир халқаро-ҳуқуқий стандартлар таҳлил қилинган. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Кенгаши, Халқаро прокурорлар ассоциацияси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида қабул қилинган халқаро ҳужжатларда прокурорнинг процессуал фаолиятига қўйилган талаблар қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган. Шунингдек, жиноий таъқибни амалга ошириш, суриштирув ва дастлабки тергов устидан прокурор назоратини таъминлаш ҳамда суд муҳокамасида давлат айбловини қувватлаш жараёнида мазкур стандартларга риоя этишнинг ҳуқуқий аҳамияти ёритилган. Таҳлил натижасида прокурор фаолиятида холислик, бетарафлик ва адолатлилик принципларининг мазмуни очиб берилган, халқаро ҳужжатлардаги айрим ҳуқуқий бўшлиқлар аниқланган ҳамда ушбу стандартларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва одил судловни таъминлашдаги ўрни юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.*

Калит сўзлар: *жиноят процесси, прокурор, прокурор назорати, холислик, бетарафлик, адолатлилик, халқаро стандартлар, жиноий таъқиб, давлат айблови, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, қонун устуворлиги.*

ОСОБЕННОСТИ ВНЕДРЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ В ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ

Сафаев Мансур Илхомжонович

Независимый соискатель Правоохранительной академии Республики Узбекистан

Электронная почта: ilmiyizlanuvchi@gmail.com

Аннотация. В статье анализируются международно-правовые стандарты обеспечения объективности, беспристрастности и справедливости деятельности прокурора в уголовном процессе. В частности, в сравнительно-правовом аспекте изучены требования к процессуальной деятельности прокурора, закрепленные в международных документах, принятых в рамках Организации Объединенных Наций, Совета Европы, Международной ассоциации прокуроров и Содружества Независимых Государств. Освещено правовое значение соблюдения указанных стандартов при осуществлении уголовного преследования, прокурорского надзора за дознанием и предварительным следствием, а также при поддержании государственного обвинения в суде. По итогам анализа раскрыто содержание принципов



объективности, беспристрастности и справедливости в деятельности прокурора, выявлены отдельные правовые пробелы в международных документах и сформулированы научные выводы о роли данных стандартов в защите прав человека и обеспечении правосудия.

Ключевые слова: уголовный процесс, прокурор, прокурорский надзор, объективность, беспристрастность, справедливость, международные стандарты, уголовное преследование, государственное обвинение, права человека, правосудие, верховенство закона.

SPECIFIC FEATURES OF IMPLEMENTING INTERNATIONAL STANDARDS IN THE ACTIVITIES OF PROSECUTION AUTHORITIES

Safaev Mansur Ilkhomjonovich

Independent researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

E-mail: ilmiyizlanuvchi@gmail.com

Abstract. This article analyzes the international legal standards for ensuring the objectivity, impartiality and fairness of the prosecutor’s activities in criminal proceedings. In particular, the requirements for the procedural activities of the prosecutor set out in international instruments adopted within the United Nations, the Council of Europe, the International Association of Prosecutors and the

Commonwealth of Independent States are examined from a comparative legal perspective. The legal significance of complying with these standards in conducting criminal prosecution, exercising prosecutorial supervision over inquiry and preliminary investigation, and supporting the state prosecution in court is highlighted. Based on the analysis, the content of the principles of objectivity, impartiality and fairness in the prosecutor's activities is revealed, certain legal gaps in international instruments are identified, and scientific conclusions are drawn on the role of these standards in protecting human rights and ensuring justice.

Keywords: criminal proceedings, prosecutor, prosecutorial supervision, objectivity, impartiality, fairness, international standards, criminal prosecution, state prosecution, human rights, justice, rule of law.

КИРИШ. Бутун дунёда жиноят процессининг холислиги, бетарафлиги ва одиллиги одил судловнинг мажбурий талаблари бўлиб, уларсиз жиноят процессининг мақсадини амалга ошириш, жиноий судлов соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мумкин эмас.

Шу жумладан, мамлакатимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими давлат ҳокимиятининг анънавий тизими сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги иштироки беқиёс ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида муҳим ва асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга риоя этиш устидан назорат қиладиган давлат органи бўлган прокуратура нафақат давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифасини,

балки инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим ижтимоий вазифани ҳам бажаради. Айнан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини давлат органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан ҳимоя қилиш Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят процесси иштирокчилари орасида асосий роль прокурорга тегишли бўлиб, унинг фаолиятининг холислиги ва адолатлилиги нафақат жиноий таъқибни амалга оширишда, балки суриштирув ва дастлабки тергов органларининг жиноят-процессуал фаолияти устидан назорат қилишда ҳам намоён бўлади. Бу халқаро ва минтақавий миқёсдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда прокуратура фаолиятининг бетарафлиги, холислиги ва одиллиги стандартларининг мустаҳкамланишига олиб келди.

АСОСИЙ ҚИСМ (МУҲОКАМА ВА НАТИЖА). Шу муносабат билан жиноят процессида прокурорнинг бетарафлиги, холислиги ва одиллиги стандартларини у ёки бу даражада акс эттирувчи бир қатор асосий халқаро ҳужжатларни кўриб чиқиш зарур кўринади. Ҳужжатларни таҳлил қилишда стандартларни икки тарафлама тушуниш маъқул: бир томондан, бу ҳар қандай прокурорга қўлланиладиган талаблар; бошқа томондан, бу халқаро ҳужжатларда прокурорнинг бетарафлиги, холислиги ва одиллигининг стандарт (намунавий) мазмуни ва тушунчасидир.

Кўриб чиқилаётган стандартларни ўз ичига олган энг универсал халқаро ҳужжатлар бу БМТ ҳужжатларидир.

Замонавий дунёдаги асосий халқаро ҳужжатлардан бири бу 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир [1].

Декларацияда қайд этилишича, ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга (10-модда). Шак-шубҳасиз, суд муҳокамаси учун материалларни тўғри тайёрламасдан ва адолатли эълон қилинган айбловсиз жиноят ишини адолатли кўриб чиқиш мумкин эмас, чунки айбловчи далилларни ноқонуний усуллар билан тўплаш, айблов томонидан муайян шахснинг айбсизлигини кўрсатувчи ҳолатларни эътиборсиз қолдириш, адолатли суд жараёни моҳияти бузилишига олиб келади. Айбловчи далилларни тўплаш ва айблов эълон қилиш учун биринчи навбатда айбловни бошқарадиган шахс сифатида прокурор жавобгардир, унингсиз жиноят ишини юритишни тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, мазкур норма ўз мазмунига кўра прокурорни ўзининг жиноят-процессуал фаолиятида одиллик принципига амал қилишга билвосита мажбур қилади.

Кўриб чиқилаётган нормага ўхшаш норма бошқа кенг қамровли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда, яъни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам мавжуд [2].

Пактнинг 14-моддаси 1-қисмида мустаҳкамланадики, ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга асосан тузилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган Давлат мансабдор шахсларининг одоб-ахлоқи тўғрисидаги Халқаро Кодекс БМТга аъзо давлатлардаги ҳар қандай давлат мансабдор шахслари фаолиятининг тамойиллари ва қоидаларини белгилайди [3]. Ушбу Кодекснинг 3-моддасида давлат мансабдор шахсларига, шу жумладан, шубҳасиз, прокурорларга нисбатан ҳам қўйиладиган талаблар белгиланган: ўз касбий мажбуриятларини бажаришда адолатли ва холис бўлиш, бирорта шахсга нисбатан ортиқча устунлик ва камситишларга йўл қўймаслик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларнинг прокуратура органлари фаолиятига бевосита дахлдор бўлган энг муҳим ҳужжат 1990 йил 27 августдан 7 сентябргача бўлиб ўтган БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича VIII Конгрессида қабул қилинган Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига оид Раҳбарий тамойиллардир [4]. Ушбу ҳужжат БМТга аъзо давлатлар жиноий таъқиб органларининг ҳаракат тамойилларини батафсил белгилайди.

Қайд этилган тамойиллар жиноий таъқибни амалга оширувчи шахсларнинг адолатлилигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган бўлиб, ҳам

жамоатчи (оммавий) айбловчиларга, ҳам махсус асосда тайинланган давлат айбловчиларига қаратилган.

Тамойилларнинг жиноят процессида айбловчиларнинг ролига бағишланган бўлимида, улар ўз вазифаларини адолатли, холис бажариши ва сиёсий қарашлари, ижтимоий келиб чиқиши, шунингдек ирқи, маданияти, жинси ёки бошқа асосларга кўра ҳар қандай камситишларга йўл қўймасликлари белгилаб қўйилган. Айбловчилар холис ҳаракат қилишлари, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг ҳолатига мақбул тарзда эътиборли бўлишлари, гумон қилинувчининг фойдаси ёки зарарига бўлишидан қатъий назар, ишга тааллуқли барча ҳолатларга эътибор қаратишлари, холис тергов айблов асоссиз эканлигини кўрсатган ҳолда, иш юритишни тўхтатиш учун барча имкониятларни ишга солишлари шарт. Шунингдек, айбловчининг функциялари суд функцияларидан қатъий равишда ажратилиши зарурлиги қайд этилган.

Кўриб чиқилаётган стандартларни ўзида мужассам этган БМТнинг махсус ва энг муҳим ҳужжати БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича комиссиясининг “Прокуратура органлари ҳақиқатпарварлиги ва сотиб олиб бўлмаслигини ошириш ва салоҳиятини ривожлантириш орқали қонун устуворлигини мустаҳкамлаш” ҳақидаги №17/2-сонли резолюциясидир (2008) [5].

Резолюция қоидаларида, прокурор жиноий таъқиб органларининг процессуал фаолияти устидан назорат қиладиган судгача бўлган иш юритиш доирасида ҳам, прокурор давлат айбловчиси сифатида фаолият юритадиган

суд муҳокамаси доирасида ҳам адолат, холислик ва бетарафлик тамойилларига риоя қилиш зарурлиги кўрсатилган. Таҳлил шуни кўрсатадики, резолюциянинг кўпгина қоидалари Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига оид Раҳбарий тамойилларда (1990) белгиланган қоидаларга тўлиқ мос келади ва кўп жиҳатдан ўхшашдир.

Прокурорнинг роли ва прокурорлик фаолияти стандартларини белгиловчи энг муҳим халқаро ҳужжат бу 2015 йил декабрь ойида қабул қилинган Халқаро прокурорлар ассоциациясининг Конституциясидир [6].

Конституция қоидаларида адолат ва холислик жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда амал қилиниши лозим бўлган юксак стандарт ва принциплар сифатида эътироф этилган.

Прокурорнинг адолатлилиги, холислиги ва бетарафлиги стандартлари тўғрисидаги норматив қоидалар, шунингдек Европа Кенгашининг минтақавий ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланган. Бу ҳужжатлар ўз табиатига кўра турлича кўринишга эга.

Ушбу соҳадаги энг асосий минтақавий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциядир (1950). Мазкур кўп томонлама шартномада шахснинг иш адолатли судда муҳокама қилиниши ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги туб моҳиятга эга норма (6-модданинг 1-қисми) мустаҳкамланган. Ҳозирги вақтда Конвенциянинг мазкур 6-моддаси жуда кўп доктринал талқинларга эга, аммо ушбу модданинг маъноси ва мазмуни бўйича расмий ҳуқуқий позицияни фақатгина Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ўз қарорларида белгилашга ҳақлидир.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция, ўз кучи билан Европа Кенгашига аъзо мамлакатлар учун таъсир қиладиган ягона халқаро ҳуқуқий ҳужжат эмас, албатта.

Хусусан, Европа Кенгашининг прокурорлар фаолиятига бевосита дахлдор бўлган ва Европа Кенгашига аъзо барча давлатлар ҳудудларида амал қиладиган асосий ҳужжати бу Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг 2000 йил 6 октябрдаги № R (2000)19-сонли Аъзо давлатлар учун прокуратуранинг жиноят одил судлови тизимидаги роли тўғрисидаги тавсияларидир [7].

Тавсияларда кўриб чиқилаётган стандартлар прокурорлар, судьялар ва полиция ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, прокуратуранинг аҳоли олдидаги масъулияти бўлимларида ўз аксини топган.

Ушбу тавсияларда прокурорнинг аҳоли олдидаги асосий бурчи ўз вазифаларини адолатли, холис ва бетарафлик билан адо этиш, ҳар қандай асосга кўра камситишларга йўл қўймаслик талабидир (24, 25-бандлар).

Кўриб чиқилаётган стандартлар, 2009 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Демократик жамиятда судьялар ва прокурорлар” 12-сонли Бордо декларациясида, Европа судьялари маслаҳат кенгаши (ЕСМК) 12-сонли хулосасида (2009) ва Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг (ЕПМК) 2009 йил 8 декабрдаги 4-сонли хулосасида (2009) жиноят процессида судьялар ва прокурорларнинг роллари нисбати призмасидан келиб чиқиб ифодаланган [8].

Жумладан, Декларация ва унга берилган тушунтириш хатида, одил судловни адолатли ва холисона амалга ошириш орқали қонун устуворлигини таъминлаш жамият манфаатлари талаби экани, бу, ўз навбатида, прокурор ва судьялар томонидан уларнинг зиммасига юкланган бир-бирини тўлдирувчи функцияларини муносиб бажариши орқали таъминланиши кўрсатилган. Адолатли ва холис одил судловни таъминлаш прокурор ва судьяларнинг умумий мақсадидир.

2005 йилда Будапештда бўлиб ўтган Европа Бош прокурорларининг 6-конференциясида қабул қилинган Будапешт раҳбарий тамойиллари, ёки Прокурорларнинг ахлоқи ва хулқ-атвори бўйича Европа раҳбарий тамойиллари деб номланган алоҳида ҳужжат, Европа Кенгашига аъзо давлатларда прокурорлик фаолиятининг одоб-ахлоқига бағишланган [9]. Прокурорларга қўйиладиган кўплаб ахлоқий талаблар орасида шу ва бошқа тамойиллар мавжуд.

Будапешт раҳбарий тамойиллари прокурорлик фаолиятининг ахлоқий ва ҳуқуқий томонларини белгиловчи ҳужжат сифатида, жиноят ишини юритиш бўйича прокурорнинг адолатлилиги, холислиги ва бетарафлиги стандартлари мазмуни ва маъносини янада тўликроқ очиб беради.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Будапешт раҳбарий тамойиллари мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан 1999 йил 23 апрелда қабул қилинган Прокурорларнинг касбий масъулияти, асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги стандартларда шакллантирилган худди шундай қоидаларга жуда ўхшашдир [10].

2006 йил 5-6 июлда Москвада бўлиб ўтган “Ҳуқуқий давлатни яратиш мақсадида ҳамкорлик дастури” мавзусидаги Европа Кенгашига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг VII конференциясининг якуний ҳужжати ҳам ўзига қизиқиш уйғотади [11]. Унда тўғридан-тўғри таъкидланишича, ўз ваколатларини адолатлилик, холислик ва бетарафлик тамойиллари асосида амалга ошириш прокуратура органларининг асосий мажбурияти ҳисобланади. Ва ушбу тезисдан, шунингдек якуний ҳужжатнинг умумий мазмунидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўз фаолиятида кўриб чиқилаётган тамойилларга амал қиладиган прокурор, адолатли одил судлов тизимининг муҳим элементи бўлиб, бу ўз навбатида ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгисидир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (кейинги ўринларда МДҲ деб юритилади) аъзо давлатларда прокурорлар фаолиятининг ҳуқуқий, ташкилий ва ахлоқий тамойиллари 2006 йил 16 ноябрда МДҲга аъзо давлатларнинг Парламентлараро ассамблеясида қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги намунавий қонунда ўз ифодасини топган [12]. Намунавий қонунни МДҲга аъзо давлатларда прокуратура органларининг мақомига оид қарашларни комплекс равишда акс эттирувчи тавсиявий ҳужжат сифатида кўриш керак.

Бизнингча, мазкур ҳужжатнинг асосий камчилиги шундаки, юқорида муҳокама қилинган халқаро ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, унда прокурор ўз фаолиятини адолатлилик, холислик ва бетарафлик тамойиллари асосида амалга ошириши зарурлиги тўғрисидаги қоидалар мавжуд эмас.

Тизимли алоқаларга эга норматив қоидалар прокурорни ўз вазифаларини холислик тамойилига мувофиқ бажаришга йўналтирмайди, чунки улар прокурорни ушбу тамойилга амал қилишга мажбурламайди, улар ишни тергов қилаётган шахсга таъсир қилиш механизмини яратади, ҳолбуки, бундай таъсирга мутлақо турлича омиллар туртки бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан шуни эътироф этиш керакки, Намунавий қонун прокурорлардан ушбу тамойилларга амал қилишни талаб қилмайди, ва бу ҳолат ушбу намунавий ҳужжат такомиллаштиришга муҳтож эканлигини кўрсатади, чунки у прокурорларни ўз касбий функцияларини умумий қабул қилинган стандартларга мувофиқ бажаришга рағбатлантирмайди.

Кўриб чиқилаётган муаммо юзасидан шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, 1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция ва 1959 йил 20 апрелдаги Жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам тўғрисидаги Европа конвенциясида прокуратура органлари томонидан жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда адолат, холислик ва бетарафлик тамойилларига амал қилиш зарурлигини кўрсатувчи қоидалар мавжуд эмас.

ХУЛОСА. Жиноят процессида прокурорнинг холислиги, бетарафлиги ва одиллигининг умумэътироф этилган стандартлари халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган. Кўп томонлама ва икки томонлама халқаро ҳужжатларда ушбу категорияларнинг таърифлари мавжуд эмас. Шу билан бирга, ушбу стандартлар уларнинг асосий моҳияти, мақсадини очиб беради, яъни халқаро ҳужжатларда улар прокурорнинг айнан қайси ҳаракатларида амалга

оширилаётганлиги, ҳамда қонун устуворлиги ва адолатли одил судловни таъминлаш учун жиноят ишини юритиш соҳасида у қандай ўрин эгаллаши лозимлиги кўрсатилган.

Демак, прокурорнинг жиноят ишлари бўйича фаолиятида бетарафлик, холислик ва одилликнинг халқаро стандартларини, халқаро ҳужжатларда прокурорлар жиноий одил судловнинг барча босқичларида ўз вазифаларини амалга оширишда бетарафлик, холислик ва адолатлилик тамойилларига амал қилишлари учун белгиланган талаблар сифатида тушуниш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Всеобщая декларация прав человека (принята резолюцией 217 A (III) Генеральной Ассамблеи ООН от 10 декабря 1948 г.). URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

2. Международный пакт о гражданских и политических правах (принят резолюцией 2200 A (XXI) Генеральной Ассамблеи ООН от 16 декабря 1966 г.). URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml

3. Международный кодекс поведения государственных должностных лиц (принят резолюцией 51/59 Генеральной Ассамблеи ООН от 12 декабря 1996 г.). URL: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/int_code_of_conduct.shtml

4. Руководящие принципы, касающиеся роли лиц, осуществляющих судебное преследование (приняты VIII Конгрессом ООН по предупреждению

преступности и обращению с правонарушителями, Гавана, Куба, с 27 августа по 7 сентября 1990 г.). URL: http://docs.cntd.ru/document/901809403

5. Резолюция Комиссии ООН по предупреждению преступности и уголовному правосудию 17/2 «Укрепление верховенства права путем повышения честности и неподкупности и развития потенциала органов прокуратуры» (2008 г.). URL: https://www.unodc.org/documents/commissions/CCPCJ/Crime_Resolutions/2000-2009/2008/CCPCJ/Resolution_17-2.pdf

6. Конституция Международной ассоциации прокуроров (декабрь 2015 г.). URL: http://www.iap-association.org/Russian/Документация-МАП/Конституция-МАП

7. Рекомендация № R (2000) 19 Комитета министров Совета Европы от 6 октября 2000 г. государствам-членам о роли прокуратуры в системе уголовного правосудия. URL: http://www.echr-base.ru/rec2000_19.jsp

8. Декларация Бордо «Судьи и прокуроры в демократическом обществе» (принята 18 ноября 2009 г.). URL: https://search.coe.int/cm/Pages/result_details.aspx?ObjectID=09000016805cfebd

9. Европейские руководящие принципы по этике и поведению для прокуроров (приняты на VI Конференции генеральных прокуроров стран Европы в Будапеште в 2005 г.). URL: http://www.coe.int/t/dghl/cooperation/ccpe/conferences/CPGE/2005/CPGE_2005_05LignesDirectrices_en.pdf

10. Стандарты профессиональной ответственности, основные обязанности и права прокуроров (приняты Международной ассоциацией прокуроров 23 апреля 1999 г.). URL: http://www.iap-association.org/getattachment/48f8919a-c5c9-471f-9290-e7307a86f75c/Standards_Russian-1.aspx

11. Итоговый документ VII Конференции генеральных прокуроров государств-членов Совета Европы на тему «Программа сотрудничества в целях создания правового государства» (Москва, 5-6 июля 2006 г.). URL: http://www.coe.int/t/dghl/cooperation/ccpe/conferences/CPGE/2006/CpGE(2006) Conclusions_RU.pdf

12. Модельный закон «О прокуратуре» (принят Межпарламентской Ассамблеей государств-участников СНГ 16 ноября 2006 г.). URL: http://files.ksgp-cis.ru/upload/pages/documents/Reestr-5.doc